2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

34 (584)

2007 йил 22 август

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

Саҳифада

2
- Ҳашарда қўнгиллар обод бўлди
- Ёшлар шижоати — пахтакорга зўр мадад!

3
- Маҳалла фалсафасини англаган адиб
- Йўлтўсарлар йўли тўсилди

4
- Қувончбек яна бир бор бизни қувонтирди
- Бахтдан лаззатланишни билган бахтлидир

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига

16

# НОНЛАРИДА ҚУЁШ АКСИ БОР!

## самарқандлик новвойлар кўрик-танловда беллашдилар

***Рўйи замин сайқали саналмиш Самарқанд нафақат бой ўтмиши, қадимий обидалари, балки тенги йўқ ширмойи нонларию чиройли ёпилган патирлари билан ҳам жаҳонга машҳур. Шаҳарнинг қутлуғ тўйи арафасида Регистон майдонида вилоят ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси, Маънавият тарғиботи марказининг вилоят бўлимлари ташаббуси билан "Самарқанд нонлари" кўрик-танлови ўтказилди.***

**Ҳақиқий халқ сайлига айланган кўрик-танловда одатдагидек, жиззали, гўшту пиёзли патирлардан ташқари, ҳали кўпчилигимиз татиб кўрмаган, турфа усулда ёпилган патирлар, нонлар намойиш этилди. Лавлаги ёки ёнғоқ солиб ёпилган патир, тухумли нон ҳақида эшитганмисиз? Ушбу кўрик-танловда нон ва ярим нон маҳсулотларининг 90 хилини кўриш мумкин.**

**СУРАТЛАРДА:** *кўрик-танловдан лавҳалар.*

**Жаббор НАБИЕВ олган суратлар.**

— Ушбу кўрик-танловнинг айни кунларда ўтказилиши бежиз эмас, — дейди "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Таъна-берди Қурбонов. — Шаҳримизга ташриф буюрган меҳмон борки, нонларимизга ҳайрат ва ҳавас билан боқади. Шу боисдан шаҳримизда ўтказиладиган барча байрам ва тадбирларда халқимиз меҳмондўстлиги, саховати рамзи ўлароқ майдон атрофига тандирлар қурилиб, шу ернинг ўзида ёпилган иссиқ нонлар меҳмонларга тортиқ этилади. Кўрик-танлов юртимиз довруғини дунёга таратиб келаётган уста новвойларнинг шарафли меҳнатларини эътироф этиш, қадрлаш, анъаналар узвийлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Тарихий манбаларда, афсона ва ривоятларда келтирилишича, Самарқанд нонлари дунёнинг не-не ҳукмдорларини ҳам ром этган. Улар шундай ажойиб нонларни ўз юртларида ҳам тайёрлатмоқчи бўлиб, Самарқанд новвойлари, тандири ва ҳатто сувигача олиб кетганлар. Аммо ўзга юртда нонинг мазаси барибир ўзгача чиқаверган. Донишмандлар бунинг боисини Аллоҳ назари тушган заминнинг сўлим табиати, бетакрор ҳавоси билан изоҳлаганлар.

Танлов ҳайъати аъзолари барча туман ва шаҳарлардан келган иштирокчиларнинг маҳсулотларини кўриб чиқиб, Самарқанд туманидаги Галаосиё маҳалласи ва Самарқанд шаҳри новвойлари маҳоратига юксак баҳо беришди. Пастдарғомлик ва булунғурлик новвойлар иккинчи, Тойлоқ ва Иштихон туманидан келган новвойлар эса учунчи ўринга лойиқ деб топилди. Ғолибларга мукофотлар топширилди.

— Маҳалламиз одамлари жуда қадимдан новвойлик билан шуғулланиб келишган, — дейди галаосиёлик новвой Сурайё Ашурова. — Мен новвойлар оиласининг тўртинчи авлод вакилиман. Бутун оиламиз билан ширмойи, пўлоти нонларни, жиззали, гўштли, пиёзли, сариёғли патирларни ёпамиз. Хамир қоришда маҳалламиз тегирмонида тортилган ундан фойдаланамиз, чунки бошқа ундан ҳақиқий Галаосиё нонларини тайёрлаш амри-маҳол. Биз тайёрлаётган нонларга хориждан ҳам кўплаб буюртмалар тушмоқда. Ахир бундан фахрланмай бўладими?! Самарқанд нонларининг ўзгача қадрланиши бежиз эмас. Нонларимизда қуёш акси бор. Новвой борки, ҳар бир зувалага қалб қўрини, меҳрини жо этади. Шундан ҳам неъматларнинг энг азизи — у.

**Рустам ҲАЙИТОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

Умумхалқ хайрия ҳашарида

# ЮРТИМИЗ, ҚАЛБИМИЗ ОБОД БЎЛДИ!

*** Ҳашар минглаб эзгу ишларга йўл очди**
*** Халқимизга ҳамиша ярашиқли бу тадбир...**

***Аслини олганда, яшаш манзилида, кўча-кўйда озодалик, саришталикка риоя қилиш ҳар бир инсоннинг кундалик юмуши, айтиш мумкинки, масъулияти. Шундай бўлса-да, энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида хайрли юмуш йўлида кўпнинг боши қовушгани, шу кўпнинг қаторида ўзинг ҳам бор эканингни ҳис қилишнинг гашти ўзгача-да. Бундай лаҳзаларда инсон ўзининг тарих зарварақларига ёзилажак хайрли бир ишга дахлдорлигидан, она юрт ҳаётида, замондошлар сафида ўз ўрни борлигидан фахрланиб кетади. Менимча, ўзбекнинг асрий анъанаси бўлган миллий қадриятимиз — умумхалқ ҳашарининг каттаю кичик ҳар бир иштирокчиси шундай туйғуни ҳис қилиши аниқ. Аждодларимиз бежизга бу анъанани асрлар давомида ардоқлаб келишмаган, сабаби, ҳашарга бел боғлаган инсон руҳиятида уйғонган кўтаринки кайфият, бунёдкорлик ҳисси юракдан юракка кўчиш хусусиятига эга. Ҳашарнинг исонларни бирлаштирадиган кучи ҳам шундадир. Энг муҳими, шу кунлари нафақат юртимиз гўшалари, балки қалбларимиз ҳам обод бўлди. Бу ободлик ҳашар кунлари ҳомийлар, саховатпешлар ёрдамидан баҳраманд бўлган, қўниқўшнисидан меҳр-мурувват кўрган мискин қалбларни нурафшон этгани шубҳасиз.*

*18-19 август кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди. Ватанимиз Мустақиллиги байрамининг 16 йиллигига бағишланган ҳамда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу тадбир мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳатто энг чекка қишлоқ, овул, маҳаллаларда ҳам кенг кулоч ёзди. 18 август куни эрта тонгданоқ янграган карнай-сурнай садолари юртдошларимизни хайрли тадбирга чорлади. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувида тузилган умумхалқ ҳашарини ўтказиш бўйича республика штаби ишчи гуруҳига республикамизнинг барча ҳудудларидан ҳашарнинг бориши ва натижалари тўғрисида маълумотлар келиб турди.*

Давоми 2-саҳифада

Тошкент шаҳри

* * *

***18-19 август кунлари республика миқёсида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари доирасида "Экосан" халқаро ташкилоти томонидан Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида экологик ҳашар бўлиб ўтди. Унда қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари ҳамда "Экосан" ташкилоти фаоллари иштирок этди.***

Экофестивалнинг якуний босқичи жорий йилнинг 25 август куни мазкур боғда ўтказилади. Унда 50 дан зиёд ташкилотлар томонидан мустақиллик йилларида юртимизда табиатни муҳофаза қилиш ва экологик муҳитни яхшилаш борасида эришилган ютуқларни акс эттирувчи кўргазмалар намойиш этилиши кўзда тутилган. Шу боис, экологик ҳашар давомида истироҳат боғида ободонлаштириш ишлари билан бирга экофестивалнинг кўргазма ва концерт дастурлари ўтказиладиган ҳудудларда ҳам тайёргарлик ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, тадбир давомида "Экосан" халқаро ташкилоти билан Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари Бош бошқармаси ҳамкорлигида пойтахтимиздаги маданият ва истироҳат боғлари ўртасида "Энг намунали маданият ва истироҳат боғи" кўрик-танлови ўтказилиши эълон қилинди.

**МУХБИРИМИЗ**

"Футболимиз келажаги" турнири мусобақаларида

Навоий вилояти

# ИСТИҚЛОЛ — БОСҚИЧ ҒОЛИБИ

***"Футболимиз келажаги" республика турнирининг 15-16 ёшли ўсмир футболчилар ўртасидаги минтақавий босқич "А" гуруҳи учрашувлари Навоий шаҳридаги "Кимёгар" ўйингоҳида, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларининг ғолиб жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.***

Ўйин натижаларига кўра, Навоий шаҳридаги Истиқлол маҳалласи тўпсурарларига тенг келадигани топилмади ва улар гуруҳ учрашувларида биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги А.Ғиждувоний номли маҳалла ўсмирларига насиб этди. Самарқанд туманидаги Боғи майдон маҳалласи ёш футболчилари эса учинчи ўринни банд этишди.

Истиқлол ва А.Ғиждувоний номли маҳалла ёшлари мусобақанинг Андижон шаҳрида ўтказиладиган республика босқичи финал ўйинларига йўлланмани қўлга киритишди.

Андижон вилояти

# САНОАТ ЁШЛАРИ ФИНАЛДА

***Турнирнинг 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасидаги "Б" гуруҳи мусобақалари Андижон шаҳридаги "Наврўз" ва "Халқлар дўстлиги" ўйингоҳларида бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах, Фарғона, Андижон ҳамда Наманган вилоятлари бўйича ғолиб чиққан жамоалар ўзаро беллашдилар.***

Муросасиз ўтган учрашувлар натижасига кўра, Андижон шаҳридаги Саноат маҳалласи жамоаси биринчи, Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги Бободеҳқон маҳалласи ёш футболчилари иккинчи ва Фарғона вилояти Учқўприк туманидаги Учқўприк маҳалласи ўсмирлари учинчи ўринни эгаллади.

Биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар жорий йилнинг сентябрь ойида турнирнинг Андижон шаҳрида бўлиб ўтадиган финал мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Ҳар икки гуруҳда ғолиб чиққан ва совриндор жамоалар "Маҳалла" жамғармаси ҳамда ҳомийлар томонидан муносиб тақдирланди.

Андижон вилояти

# АСАКАЛИКЛАР БАЙРАМ ТАРАДДУДИДА

***Мамлакатимизнинг барча фуқаролари каби асакаликлар ҳам мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш тараддудини кўрмоқдалар. "Андижонни кўркам ва обод вилоятга айлантирайлик" шиори остида бўлиб ўтган кўрик-танлов ҳамда меҳнат ва санъат байрамини улуғ тантанага тайёргарлик босқичи бўлди, дейиш мумкин.***

Туманда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратиляпти. Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган уч юзга яқин оила ҳомийлар мурувватидан баҳраманд бўлди — уларга бир бошдан қорамол тарқатилди.

Файзобод қишлоғида қурилган замонавий қишлоқ врачлик пункти сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Эндиликда бу ерда қишлоқ аҳолисига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатилади. Қовоқтўпи маҳалласи фуқаролар йиғини ёшлари эса спортнинг ўндан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланиб келмоқдалар.

Тувадоқлик ёш тадбиркор Матлуба Ҳасанова "Гўзаллик салони" очиб, мижозларга хизмат кўрсатмоқда. Бундай маиший хизмат даргоҳларининг кўплаб ташкил этилиши ва касаначиликнинг ривожлантирилаётгани ишсизлик муаммосини бартараф этишда муҳим омил бўлмоқда.

Асакаликларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқлари ҳам диққатга сазовор. Тумандаги иқтисодий ночор ширкат хўжаликларининг тугатилиши натижасида беш юздан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил топди. Айни пайтда бу хўжаликлар пилла, пахта, ғалла, мева-сабзавот, боғдорчилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда салмоқли ўрин тутади. Баҳрин қишлоғида фаолият юритаётган "Парпи ота" фермер хўжалигида 4 минг бош товуқ парваришланиб, кунига бир ярим минг дона тухум етиштирилмоқда.

Бугун Асаканинг қайси қишлоғи ёки маҳалласида бўлманг, эртанги кунга ишонч билан қараб, меҳнат қилаётган инсонларга дуч келасиз. Уларнинг ғайраттижоати ва саховатидан руҳланасиз, беихтиёр қалбингизда эзгу ишларга рағбат уйғонади.

**Узоқбой САКСОНБОЕВ**

Бухоро вилояти

# "ҚОВУН САЙЛИ"

***Юртимиз тупроғи бежизга олтинга қиёсланмаган. Бухорода ўтказилган анъанавий "Қовун сайли"да иштирок этган меҳмонлар бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилишди. Улар орасида кўплаб хорижлик сайёҳларнинг ҳам борлиги киши дилида фахр уйғотади. Азал-азалдан ҳам бухоролик полизкорлар етиштирган ширин-шакар қовун-тарвузлар етти иқлимга машҳурлиги боис, вилоятда бу тадбирга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда.***

Дарҳақиқат, уч кун давомида шаҳардаги "Сомонийлар" истироҳат боғи "Қовун сайли" иштирокчилари билан гавжум бўлди. Барча туманлардан ташриф буюрган 100 дан ортиқ полизкор-фермерлар ўзларининг мазаси тилни ёрар қовунлари билан сайл иштирокчиларини хушнуд этишди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад фақатгина шаҳарликлар учун арзон нархда полиз маҳсулотлари савдосини ташкил этишдан иборат эмас. Мана, бир неча йилдирки, вилоят полизкорлари сайил баҳонасида ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлишмоқда. Қолаверса, тадбир шартига кўра, иштирокчи полизкорларнинг қадимда мавжуд бўлган ва айни кунда йўқолиб кетаётган қовун навларини излаб топиш ҳамда уни кўпайтириш, полиз маҳсулотларини қиш фасли учун асраш, уни қайта ишлаш борасида олиб бораётган ишларига ҳам баҳо берилди.

Хусусан, Ҳалимаой номли фермер хўжалиги раҳбари Исмоил Асадов сайил иштирокчилари эътиборига ўзи етиштирган қовуннинг "Кампирчопон", "Баргинай", "Ичиқизил", "Амири" каби ноёб навларини тақдим этган бўлса, "Раҳмат Болта дала сардори" фермер хўжалиги раҳбари, кекса деҳқон Раҳмат Болтаев қовуннинг ҳатто полизкорларга ҳам яхши маълум бўлмаган "Жўжабурун", "Аравакаш", "Умрбоқий", "Қўзивой" каби навлари билан иштирок этди.

Байрам тусини олган сайил якунига кўра, биринчи ўрин Жондор туманидаги "Элмурод, Шаҳриёр" номли ва Шофиркон туманидаги "Азим Шофиркон юлдузи" фермер хўжаликларига, иккинчи ўрин эса бирйўла учта — Вобкент туманидаги "Муҳаммад Аҳмад", Ғиждувон туманидаги "Насриддин Ражабов равнақи", Бухоро туманидаги "Фатилло полвон, Умида, Шамсия" номли фермер хўжаликларига насиб этди.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Mahalla" мухбири.**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн биринчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси 2007 йил 24 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 23 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Жаннатмакон юртда яшаймиз-да, нонимиз ҳам, қовунимиз ҳам етти иқлимга машҳур.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

# Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан

Умумхалқ хайрия ҳашарида

## ЮРТИМИЗ, ҚАЛБИМИЗ ОБОД БЎЛДИ!

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Умумхалқ хайрия ҳашари жойлардаги барча ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, шунингдек, фуқаролар йиғинлари ҳудудида уюшқоқлик билан ташкил этилиб, унда 15,7 млн. нафар юртдошларимиз қатнашди. Икки кун давомида эл-юрт юмушига белни маҳкам боғлаган ҳашарчиларнинг ғайрат-шижоати билан 29,3 минг гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, 17,6 минг километр узунликда ариқ-зовурлар тозаланиб, 7799 та зиёратгоҳ ва қабристонлар сарištаланди. Шунингдек, кўплаб маҳаллаларда гузарлар, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, спорт иншоотлари, янги боғлар барпо этилиши айнан ҳашар кунларида ниҳояланди. Яна кўплаб ҳудудларда эса ушбу кунларда кўпнинг кучи билан бунёдкорлик ишига киришилди. Жумладан, Андижон вилояти Андижон туманидаги Жумабозор маҳалласида янги гузар қурилиши бошланган бўлса, Навоий вилояти Кармана туманидаги Гулобод маҳалласи йиғини ҳашарда қурилиши якунланган янги идора биносига кўчиб ўтди. Бухоро вилояти Олот туманидаги Ёш ботир маҳалласида, Қашқадарё вилояти Касби туманидаги Майманоқ қишлоғида ва Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги Ҳамза номли маҳаллада болалар учун спорт иншоотлари қурилиши икки кун давомида маҳалладошлар саъй-ҳаракати билан якунланди. Хоразм вилояти Урганч шаҳри марказида барпо этилаётган Марказий майдон мажмуаси таркибига кирган янги боғдаги юмушлар эса яқин-атрофдаги маҳаллалардан келган ҳашарчиларнинг ғайрати билан анча енгиллашди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳашар кунлари юртимиз бўйлаб юзлаб ўқув муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди. Айниқса, Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириладиган иншоотлардаги қурилиш ишлари суръати ҳашар кунларида янада жадаллашди.



Умумхалқ хайрия ҳашарининг яна бир муҳим жиҳати борки, у қон-қонимизга сингиб кетган инсонпарварлик, олижаноблик, саховатпешалик туйғуларининг яққол ифодасидир. Анъанага кўра, бу галги хайрия ҳашарида ҳам эҳтиёжманд фуқаролар, кам таъминланган, кўп фарзандли оилаларга, етим-есирлар, ногиронларга кўрсатилган меҳр-мурувват ёрдамлари кўлами кенг бўлди. Ҳашар кунларида юртимиз бўйлаб эҳтиёжманд оилаларга тегишли 331229 квадрат метр ҳажмдаги турар-жойлар таъмирланди, моддий кўмакка муҳтож оилалар ва фуқароларга кўрсатилган моддий ёрдам миқдори 391216,1 минг сўмга тенг бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳашар кунлари ўз иш жойида меҳнат фаолиятини давом эттирган ҳар бир корхона, муассаса, ташкилотлар ходимлари ҳам умумхалқ хайрия ҳашарига ўз улушларини қўшдилар. Икки кун давомида обод этилган гўшаларнинг чирой очишида уларнинг ҳам меҳнати, заҳмати сингди. Ҳашар муносабати билан юртимизда фаолият юритаётган ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилот ишчи-хизматчиларининг бир кунлик иш ҳақи Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви, унинг жойлардаги бўлимлари ҳисобига ўтказилмоқда. Бу маблағлар туфайли хайрли, эзгу тадбирлар улуғланган она Ватанимизда юртдошларимизнинг бундан буён ҳам ўзаро меҳр-оқибат, саховат, бирдамлик руҳида яшашлари ва меҳнат қилишлари учун янги имкониятлар яратилади. Демак, халқимизни бирлаштирган ушбу хайрли тадбир келгусида минглаб шундай хайрли тадбирларга йўл очиши аниқ. Зеро, ҳашар ҳамиша халқимизга ярашиқли хайрли тадбир бўлиб қолади.

**Мавлуда ҚОСИМОВА**

Истиқлол иншоотлари

Бухоро вилояти

## КОЛЛЕЖ КУМУШКЕНТГА КЎРК БАҒИШЛАДИ

***Вобкент туманидаги Кумушкент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янги коллежнинг қуриб ишга туширилиши барчани бирдек қувонтирди.***

720 ўринга мўлжалланган педагогика ва ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги ушбу билим даргоҳида талабаларнинг билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Кўркам ўқув биноси, ишлаб чиқариш устахонаси, ахборот ресурс маркази, спорт ҳамда мажлислар зали, ошхона талабалар ихтиёрида.

Умумий қиймати 2 миллиард 225 миллион 933 минг сўмга тенг коллеж биноси вилоятдаги 1-сонли қурилиш уюшмасига қарашли 201-хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамланма бунёдкорлари томонидан қисқа муддатда қуриб битказилди. Айниқса, меҳнат жамоасининг Олим Турсунов, Икром Бўронов, Ахрор Сайфиев, Суннат Қодиров, Ғайбулло Саъдуллаев, Эркин Қиёмов, Баҳодир Саидов каби аъзолари ишда фаоллик кўрсатиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишди.

Замонавий коллеж кумушкентлик ёшлар учун юртимиз мустақиллигининг 16 йиллик байрамига муносиб туҳфа бўлди.

**Ҳ.АҚИЕВ**

Самарқанд вилояти

## ТЎЁНАГА ТИББИЙ МАРКАЗ

***Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги ва Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйи арафасида қадимий ва навқирон шаҳарда аҳоли турмуши фаровонлигини таъминлаш, уларга турли соҳаларда сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари авжида.***

Шулардан бири шаҳардаги Жомий ва Темур Малик номли кўчалар кесишмасидаги эски тиббий стоматология маркази ўрнида қурилаётган диагностика поликлиникасидир.

"Саломатлик-2" дастури доирасида қурилаётган мазкур поликлиника "Ўзбекэнерго" ҳамда "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик компаниялари ҳомийлигида Самарқанд шаҳридаги "Темп" қурилиш корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этилмоқда. 50 та катта-кичик хоналардан иборат бу иншоот ишга тушиши билан шаҳарнинг 116 минг нафардан зиёд аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш имконияти юзага келади. Бу ерда 195 нафар олий тоифали шифокор ва ҳамширалар фаолият юритиши кўзда тутилган. Ҳозирда поликлиникада сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Шундан сўнг шинам ва ёруғ хоналарга 400 миллион сўмлик замонавий тиббиёт жиҳозлари келтириб ўрнатилади.

**МУХБИРИМИЗ**

Бухоро вилояти

Химмат

***Маҳалладошлари ташвиши билан тиниб-тинчимайдиган инсон, Бухоро шаҳридаги Шайхул олам маҳалласи фуқаролар йиғининнинг раиса Моҳира Тошева юртимиз мустақиллигининг 16 йиллик тўйи арафасида яна бир хайрли тадбирга бош бўлди. Унинг ташаббуси билан йиғин ҳудудида истиқомат қилувчи эҳтиёжманд оила фарзандлари Амирхон ва Ахмаджон Раҳматовларнинг суннат тўйи ўтказилди.***

## "МИНГ БИР КЕЧА"даги ажойиб КЕЧА

**саховатпеша маҳалладошлар ташаббуси билан ташкил этилди**

Шаҳар марказидаги муҳташам "Минг бир кеча" тўйхонасида ўтказилган мазкур тадбирга маҳалла ҳудудида жойлашган "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси, "Жаҳонгир ал-Умид" савдо дўкони ҳамда маҳалла фаоли Алижон Қиличев ҳомийлик қилди.

— Фарзандларимнинг янги либос ва зарбоф тўнлар кийиб, тўйбола бўлганини кўриб жуда хурсанд бўлдим, — дейди болакайларнинг онаси Гўзал Багданова. — Тўғрисини айтсам, фарзандларимга бундай тўй қилиб беришга ўзимнинг имкониятим етмас эди. Маҳалладошларимга раҳмат, уларнинг муруввати билан оиламиз қувончга тўлди.

Тадбирга ҳар бир маҳалла фуқароси ўз имконияти даражасида улуш қўшди. Хусусан, шаҳар "Камолот" маданият уйи қошидаги фольклор дастаси ва 72-сон болалар боғчаси тарбияланувчилари ўз концерт дастурлари билан қатнашган бўлса, Ф.Хўжаев номидаги академик лицей жамоаси тадбирнинг ташкилий ишларида фаоллик кўрсатишди.

— Бу каби хайрли тадбирлар маҳаллмизда тез-тез ўтказилиб турилади, — дейди Моҳира Тошева. — Уларни ташкил қилишда эса асосан саховатпеша маҳалладошлар кўмагига таянамиз. Энг муҳими, улар доимо бизни қўллаб-қувватлашади.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Mahalla" мухбири.**

Тошкент вилояти

Фармон берган имкон

***Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг ижросини таъминлаш юзасидан Олмалиқ шаҳрида қатор ишлар амалга оширилаётир.***

## "БАЙРАМни ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАРШИЛАШ БАХТдир"

**дейишмоқда ҳамжиҳатлик ва меҳнат билан турмуш фаровонлигини юксалтираётган олмалиқликлар**

Чунончи, шаҳар банклари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётган "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ шаҳар бўлими кенгаши, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан қўлланилаётган тадбирлар яхши самара бермоқда. Шаҳарда 3800 дан ортиқ 30 ёшгача бўлган ёш оилалар аниқланиб, рўйхатга олинди. Маҳалла раислари ва фаоллари, ҳокимлик вакиллари ва банк ходимлари биргаликда Фармоннинг мазмун-моҳиятини, унда кўзда тутилган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш тартиб-қоидаларини ёш оилалар вакилларига тушунтириш учун давра суҳбатлари уюштирмоқдалар.

Айни пайтда Олмалиқ шаҳри ҳудудида бўш турган кўпқаватли хонадонлар, уй-жойлар ҳисобга олиниб, уларни таъмирлаш бўйича қурилиш ташкилотлари билан шартномалар тузилди. Келгусида бу уйлардан ёш оилаларни уй-жой билан имтиёзли тарзда таъминлашда фойдаланиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, ёш оилаларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун микрокредитлар ажратилмоқда. Ҳозиргача бешта ёш оилага никоҳ тўйларини нишонлаш учун ҳомийлар томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Булардан ташқари, Олмалиқда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида кенг кўламли тадбирлар ташкил этилмоқда. Ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларга доимий тарзда моддий-маънавий кўмак кўрсатиш масаласи барча мутасаддиларнинг диққат-эътиборидаги масалага айланган. Шаҳар ижтимоий таъминот бўлими томонидан махсус ўтказилган хайрия тадбирига шаҳардаги барча корхона ва ташкилотлар жалб этилиши натижасида 4 млн. сўмдан ортиқ маблағ йиғилди. Бу маблағ ногиронлар учун аравачалар, турли тиббий мосламаларни харид қилиш, шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож кимсаларнинг саломатлигини тиклашга сарфланиши режалаштирилди.

— Истиқлолимизнинг 16 йиллигини бир қатор муваффақият ва ютуқлар, демакки, ёруғ юз билан қаршилаётганимиздан беҳад мамнунмиз, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Олмалиқ шаҳар бўлинмаси раиси Бахтиёр Шоматов. — Шаҳримизнинг ҳар бир гўшасида, кўчаларида ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари жадал олиб борилаётир. Барчамиз учун азиз саналган ушбу байрамга тайёргарлик кўриш ишларидан ҳеч бир ташкилот, ҳеч бир фуқаро четда қолаётгани йўқ. Ҳамшаҳарларимизнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги осойишта турмушимиз, муваффақиятларимиз гаровидир.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ**

Кўрик-танлов якуни

## МОҲИР МАСЛАҲАТЧИлар СИНОВДАН ЎТДИ

***Маҳаллалардаги маънавий муҳитни яхшилаш, оилавий ажримлар, айниқса, ёшларнинг турли оқимлар таъсирига тушиб қолиши, гиёҳвандликка берилиб кетишининг олдини олишда, шунингдек, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашда маҳалла маслаҳатчиларининг хизмати беқиёс.***

Бундан ташқари, улар маҳаллаларда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш борасида ҳам бир талай ишларни амалга оширмоқда. Шу боис, фуқаролар йиғинларида самарали фаолият кўрсатиб келаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича илғор маслаҳатчиларни аниқлаш, уларнинг иш тажрибалари ва эришган ютуқларини оммалаштириш мақсадида "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳар йили анъанавий тарзда "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси" республика кўрик-танлови ўтказиб келинятпи. Жорий йилда ушбу кўрик-танлов низомига баъзи ўзгартишлар киритилиб, унинг республика босқичи тўртта ҳудудга бўлинган ҳолда ўтказилмоқда.

Маълумки, ўтган ҳафтада Фарғона вилоятида кўрик-танловнинг Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари бўйича республика босқичи ниҳоясига етган эди. Куни кеча эса Хоразм вилоятининг Хива туманида иккинчи ҳудуд бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари бўйича кўрик-танлов ғолиби бўлган маҳалла маслаҳатчилари иштирок этди.

Тадбирда иштирокчиларнинг тегишли ҳужжатлари, фаолиятига доир кўргазма ва чиқишлари кўздан кечирилиб, шунингдек, маҳалла маслаҳатчиларининг ўз соҳаси бўйича билим ва кўникмалари синаб кўрилиб, ғолиблар аниқланди. Унга кўра, биринчи ўринга Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги Ў.Худойбердиев номли маҳалла маслаҳатчиси Рисолат Худойбердиева, иккинчи ўринга Хоразм вилояти Хива туманидаги Ирдизон маҳалласи маслаҳатчиси Зулайҳо Ибрагимова ва учинчи ўринга Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги Ибн Сино номли маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Жамила Саидова муносиб топилди.

Кўрик-танлов якунида тадбир ташкилотчилари томонидан иштирокчиларга байрам дастурхони ёзилиб, концерт дастури намойиш этилди.

Тадбир сўнгида ғолибларга фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Гавҳар АЛИМОВА,**
**"Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви бош мутахассиси, кўрик-танлов ҳайъати масъул котиби.**

Сирдарё вилояти Ғулистон тумани ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси ташаббуси билан Деҳқонобод шаҳарчасида маҳалла тизимида фаолият юритувчи ва йиғин ишида фаол бўлган хотин-қизлар учун конференция ташкил этилди. Ушбу тадбирда 107 нафар аёллар иштирок этди. Конференция иштирокчилари йиғинларда хотин-қизларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш, ижтимоий-ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, бу борада мавжуд камчиликларни қизғин муҳокама қилдилар.

**СУРАТДА:** *туман ҳокими ўринбосари Муҳаббат Буранова (ўнгдан учинчи) конференция иштирокчилари даврасида.*

**Р.ГАЛИЕВ олган сурат.**

Андижон вилояти

Ташаббуснинг қаноти бор

## ҒЎЗА ПАРВАРИШИГА БЕЛ БОҒЛАГАН ЁШЛАР

**бозорбошилик ёшларнинг бу ташаббуси вилоятга ёйилмоқда**

***Марҳамат туманидаги Қорақўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамидаги Бозорбоши маҳалласининг 50 нафар йигит-қизлари ташаббускор инсон Абдулатиф Омонуллаев бошчилигида "Зарбдор меҳнат гуруҳи"ни туздилар ва ҳудуддаги пахтазорларга чиқиб, ғўза парваришида пахтакорларга ёрдам бера бошлашди.***

Улар Андижон вилоятида яратилажак 310 минг тонналик пахта хирмони тақдири ҳал бўлаётган шу кунларда маҳалла ўрамидаги олтита фермер хўжаликлари деҳқонларига ғўза парваришида ўттиз кун давомида ёрдам беришга қарор қилдилар. Йиғин раиси Зоҳиджон Исмоиловнинг зарбдор ёшларга ташкилий масалаларни ҳал этишда яқиндан ёрдам бергани уларни янада руҳлантирди. Бозорбошилик ёшлар маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали вилоятда яшаётган барча тенгдошларига мурожаат билан чиқиб, ўзлари бошлаган бу хайрли ташаббусни давом эттиришга чақирдилар.

— Маълумки, пахтачиликда август ойи давомидаги ғўза парвариши ҳосилнинг салмоғини ва сифатини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Бундай қизғин паллада ҳар қандай кўмак пахтакор-фермерларимизнинг мадорига мадор қўшиши аниқ. "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими бозорбошилик ёшларнинг бу ташаббусини маъқуллади, — дейди бўлим бошқаруви раиси Ўктамжон Ҳайдаров. — Вилоятимиздаги етти юзта маҳалла фуқаролар йиғинларига ана шу ташаббусни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг меҳнат қилиши ва дам олишларини тўғри ташкил этиш вазифаси топширилди. Ёшларимизнинг бу ташаббуси уларнинг ўзи учун жуда фойдали бўлишидан ташқари, бугунги кунда долзарб масалалардан саналган бандлик муаммосини бир мавсум давомида бўлса ҳам бартараф этишга имкон беради. Қолаверса, бундай тадбирлар ёшларимиз қалбида ватанпарварлик, она заминга меҳр, меҳнатсеварлик, моддий неъматларнинг қадрига етиш ҳиссини тарбиялайди.

Айни кунларда "Зарбдор меҳнат гуруҳи" аъзолари пахтазорларда жавлон уриб меҳнат қилмоқдалар. Ўз ўрнида фермер хўжаликлари раҳбарлари ёшлар учун ажратилган дала шийпонларида барча шарт-шароитларни яратганларки, ҳатто ёшлар учун мусиқий кечалар мунтазам ташкил этилмоқда. Зарбдор ёшларга иш ҳақи кундалик меҳнат якунлари асосида даланинг ўзида тўланмоқда.

**Узоқбой САКСОНБОЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

Қадриятларимиз қадр топмоқда

Самарқанд вилояти

## Бир "ҲУНАРМАНД"да уюшган Минг ҲУНАРМАНД

**улар асрий анъаналаримиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқдалар**

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 1997 йил 31 мартда ҳунармандчиликнинг барча турларини такомиллаштириш, келажакда ҳунармандлар сафини кенгайтириш, уларни рағбатлантириш мақсадида Президентимиз Фармони билан "Ҳунарманд" уюшмаси ва вилоятларда унинг филаллари ташкил этилди.***

— Уюшмамизнинг асосий мақсади туман ва қишлоқларда якка тартибда фаолият юритаётган ҳунармандларни бир ерга уюштириш ҳамда уларнинг ҳамжиҳатликдаги, ҳамкорликдаги фаолияти орқали соҳани ривожлантиришдан иборат, — дейди "Ҳунарманд" уюшмаси вилоят бўлими раиси Акобир Ҳакимов. — Дастлабки йилда аъзоларимиз сони атиги 150 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 1100 нафардан ошди. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ҳам кўпайди.

Ҳунармандларни керакли хомашё, асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадида уюшма қошида махсус гуруҳ тузилган. Ушбу гуруҳ кўмагида юздан ортиқ ҳунармандларга шаҳар ва туманлардаги бозорлардан, гавжум кўча ва хиёбонлардан ер майдонлари ажратилиб, устахоналар қурилди. Ҳунармандларнинг уйларида ҳам устахона қуриш ва уларни зарур дастгоҳлар билан таъминлашга кўмаклашилди. Уюшма томонидан ҳунармандларга яратилган яна бир қулайлик "Руҳобод" ҳунармандлар марказининг ташкил этилганидир. Марказ республикамизда ягона ҳисобланиб, унда ҳунармандлар ўзлари ясаган маҳсулотларни шу ернинг ўзида сотиш имкониятига эга. Қолаверса, "Руҳобод" зиёратгоҳи шаҳар марказида жойлашганлиги сабабли бу ерга кўплаб хорижлик сайёҳлар ташриф буюришади. Бундан ташқари, барча туман ва шаҳарлардаги бозорларда ҳам махсус ҳунармандчилик расталари ташкил этилган. Бу расталарда дўппидўзлик, зардўзлик, косиблик, заргарлик, сандиқсозлик, бешиксозлик каби алоҳида бўлимлар мавжуд. Шунингдек, Самарқанд шаҳрининг Тошкент, Рудакий, Мустақиллик кўчаларида 48 та, тарихий обидалар, ёдгорликлар мажмуалари ва меҳмонхоналарда 104 та савдо дўконлари, савдо кўргазма заллари ва галереялар фаолият юритяпти.

— Кейинги йилларда уюшмамиз қатор хорижий давлатлар билан ҳам яқиндан ҳамкорлик ўрнатмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ҳунармандларимиз Россия, Франция, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Исроил, Ҳиндистон сингари давлатларда ўз маҳсулотларини намойиш этиб қайтишди. Энг муҳими, бу каби ижодий сафарлар натижасида Япония, Индонезия, Германия сингари давлатлардаги шу соҳа мутахассислари билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйдик, — дейди Акобир Ҳакимов.

Айтиш жоизки, Самарқанд ҳунармандчилиги тарихи салкам уч минг йиллик даврни қамраб олади. Ҳозирда ҳам вилоятдаги ҳар бир туманнинг ўзига хос ҳунармандчилик йўналиши бўлиб, у уста-шогирдлик анъанаси асосида кенг ривож топмоқда. Хусусан, Лутфулло Саидов раҳбарлигида шаҳарда мис ва жез кандакорлиги мактаби ташкил этилди. Шоира Ғаниева, Мавжуда Исломова каби усталар ип ва газламаларга табиий ранг беришни йўлга қўйдилар. Миллий мусиқа асбоблари устаси марҳум Ҳамроқул Ҳайдаров қадимий қўлёзмалар ва тарихий манбаларга асосланиб қадимги миллий мусиқа асбоблари ясашга мўлжалланган устахона яратган эди. Уста Баҳром Бердиев раҳбарлигида терига бадиий ишлов бериш анъанаси тамоман қайта тикланди. Ҳунарманд Аҳмад Умаров миниатюра мактабини қайта тиклаган бўлса, Зариф Мухторов узоқ йиллик изланишлари натижасида Самарқанд қоғозини ишлаб чиқариш сирларини очди ва бундан 500 йил олдин ҳам қоғоз макони бўлган Конигилда тегирмон қуриб, қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманлари, айниқса, Ургут, Пастдарғом, Қўшработ туманларида ҳам кўплаб маҳоратли кулолу темирчилар, бешиксозу сандиқсозлар сулолалари ота-боболарининг ишини давом эттириб келяпти.

Айни пайтда ҳунармандлар Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги байрами, анъанавий "Шарқ тароналари" VI Халқаро мусиқа фестивали ҳамда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги тантаналарига қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Тўйга тўёна сифатида эса ҳунармандлар Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари, қадимий обидалари тасвири акс эттирилган мис, кулолчилик ва чинни буюмлари ҳамда гиламларни ишлаб чиқаришяпти.

**Рустам ҲАЙИТОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига

# "ОДАМ ЭККАН ОДАМЛАР"

**Маҳалла фалсафаси адиб асарларида ўта моҳирлик билан қўлланилган ана шундай жонли иборалар орқали янада кенгроқ очиб берилган**

**Абдуғафур РАСУЛОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

***Ҳозир маҳалла деган ўзига хос, бетакрор жамоа сир-асрорларини англашга интилиш кучли. Ғарб, Шарқдан ташриф буюраётган не-не жамияткунос, элшунос, сиёсатшунослар маҳалла тилсимини англашга ҳаракат қилмоқдалар.***

Абдулла Қаҳҳор — темирчи уста ўғли. Темирчи қишлоқдан қишлоққа, маҳалладан маҳаллага кўчиб юрган. Бўлажак ёзувчи болалигида қанчадан-қанча қишлоқларда, маҳаллаларда яшамаган, не-не феъл-атворли одамларни учратмаган. У "Ўтмишдан эртаклар" қиссаси аввалида: "Менинг болалик йилларим Фарғона водийсининг Яйпан, Нурсуқ, Қудаш, Бувайда, Толлиқ, Олқор, Юлғунзор, Оққўрғон деган қишлоқларида ўтган", — деб ёзади. Ҳар бир қишлоқ, маҳалланинг ўз қиёфаси, удумлари, бетакрор одамлари бўлган. Маҳалла шундай уюшмаки, унда олиму фузало, эшону миён, бойу боён етакчимас. Маҳалла устуни Валихон сўфи, Мурод Али дўхтир, Ҳикмат бобо ҳам бўлиши мумкин. Маҳаллани бошқарувчи маълум ўқув юртида тайёрланмайди. Оқсоқол, етакчини халқнинг ўзи етиштиради.. Аммо бундай ўқитиш, тарбиялаш усули ҳамон сирлилигича қолмоқда. Оқсоқол мисоли дорбоз: у ўғри-каззоб билан ҳам, манаман деган олим билан ҳам тил топишиши, ҳар бир оилага мос келадиган маслаҳатни топиб-топиб, билиб-билиб қўллаши керак.

Маҳалла — бетакрор мактаб. Маҳаллада яшаган ғайризабон ўзбек тилини дарҳол ўрганади. Муҳими, маҳалла тарбиясини кўрган ўзга миллат вакили ғирт чапани, урф-одат билагони, тўй-ҳашам иштирокчисига айланади.

Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўтмишдан эртаклар", "Муҳаббат" қиссаларида, "Оғриқ тишлар", "Тобутдан товуш" драмаларида, "Тўйда аза", "Маҳалла" ҳикояларида маҳалла ҳаёти, маҳалладошлар характери тасвирланади.

Маҳалла ҳаётида поклик, имон, ҳалоллик асосларнинг асоси ҳисобланади. Маҳалла дарҳол ёмоннинг ёқасидан олиб, бузуқни тошбўрон қилиб юбормайди. Сабр, қаноат — маҳалла ҳаётининг асосий хусусияти. Маҳалла аҳли, унинг етакчилари камдан-кам қаттиқ, беаёв гапиради. Гапирдими, ёмонни ё уёқли, ё буёқли қилади. "Тобутдан товуш" асарининг қаҳрамони Нусрат Сухсуров маҳаллада яшайди, аммо кўпчиликка қўшилмайди, тўғриғоғи, уларни одам ўрнида кўрмайди. Маҳалла Сухсуров, Нетайхон, Қори киму, уларнинг қилмиши қандайлигини беш қўлдай билади. Драма финал-хотимасида бундай диалог бор:

"*Чол:* Мен булар нега маҳаллага қўшилмайди, нега қўни-қўшни билан кирди-чиқди қилмайди, деб ҳайрон бўлардим, энди билсам, иккови ҳам олқинди ўғирлаган ҳаккадай топганини бир марта чўқиб, ўн марта атрофга қарар экан. Шундайми, Нетайхон?

*Сухсуров:* Хотинимнинг отини оғзингга олма, имонсиз, хотиним сенга ҳеч ким бўлмайди!

*Чол:* Кечирасан, билмасдан айтиб қўйибман, маҳаллада ким отини айтса, оғзини чайқайди".

Абдулла Қаҳҳор маҳалла фалсафасини очишга интилади. "Муҳаббат" қиссасида Муҳайё Анварга ҳамдардлик билдириб:

" — Мард бўлинг, Анваржон, — деди қиз ҳам, пича туриб илова қилди: — Дадангиз дунёга келиб нуқул одам орттирган эканлар, қаранг, бутун шаҳар, ёшу қари...

Бу сўзлар Анварнинг ҳувиллаб қолган қоп-қоронғи қалбига гўё учқун сочиб кирди, унинг кўнглинигина эмас, бутун оламни ёритди".

Худди шундай фикр "Маҳалла" ҳикоясида ҳам айтилади: "Қолнинг зўрга қадам босиб келаётганини кўрган муюлишдаги чўткачи югуриб бориб уни олиб келди ва қўлига бир пиёла чой берди:

— Хафа бўлмай юрибсизми, отахон... Кампир онам аломат аёл эдилар... Сиз ўша куни ўзингиз билан ўзингиз овора бўлиб таъзияга келган одамларни пайқамадингиз. Ана одаму... Маҳаллага сиғмай кетди! Маҳалламизнинг кўчаси бир метр чўкди!.. Кампир онам дунёга келиб одам эккан эканлар. Дунёга келган одам аввал боши одам экиши керак экан. Мен ибрат олдим..."

Маҳалла — дилдошлар маскани. Тили тилига, дили дилига мос келмайдиган одам маҳаллада яшай олмайди.

Одам ўзини маҳалладан четга олдими, шайтон сўзига кира бордими, тамом — маҳалла ундай одам билан орани очиқ қилади қўяди. Мухторхон домла ("Тўйда аза") бир пайтлар маҳалла кўрки, файзи эди: каттаю кичик унга салом берар, табаррук домла қўлини олишни эътибор деб биларди. Шундай одам айнадиқолди: соқолини қириб ташлади, катак-катак кўйлак кийди, қирчанғи бўлса-да, тойнинг қилиғини қила бошлади. Ниҳоят, домла Хўрозқанд — ёшгина жувонга уйланди. Қисқаси, тўйдан озгина муддат ўтгач, Мухторхон домла ғаройиб ҳолатда ўлди қолди. "Эртасига домлани кўмиш маросими бўлди. Маросимга маҳалладан одам кўп қатнашмади, афтидан, домла кўп одамнинг қалбида бундан бир ой бурун ўлган, кўплар ўша тўйни домланинг жанозаси ҳисоблаган эди..."

Ажаб, Мухторхон домла ўлмай туриб маҳалладошлар назарида аллақачон мурдага айланганди. Ҳикмат бува эллик уч йиллик хотини — Роҳат бувидан ажраб қолгач, шитоб билан ҳаётдан кета бошлади. Кампир мозори ёнидан ўзига гўр қазитди. Сўнгги манзилига келадиган кунини кута бошлади. Маҳалла етакчилари чолнинг кайфиятини сездилар. Қандай қилиб бўлмасин, Ҳикмат бувани ҳаётга қайтармоққа киришдилар. Чол маҳалла юмушларига андармон бўлди. Бора-бора ишдан, майда-чуйда юмушлардан қўли бўшамай қолди. Муҳими, ўлиш, кампирининг ёнига тезроқ кетишни унутди чол.

Ҳикмат буванинг қайта тирилиши, маҳалла ҳаётига шўнғиб кетиши энг муҳим гапдир. Маҳалла деган сир-асрорли масканнинг оҳанрабоси Ғарб дунёси кишиларини қаттиқ жалб этяпти. Маълумки, тараққий этган Ғарб мамлакатларининг аксариятида инсон умри болалик, балоғат, кексалик паллаларига бўлинади. Кексалик аксарият инсонлар учун танҳолик — азоб-уқубат босқичидир. Миллион-миллион кексалар уйларидан чиқолмай, ҳатто ўринларидан туролмайдиган бўлиб қолганлар. Улар ейиш-ичишдан қийналмайдилар. Аммо инсоний мулоқот, ким биландир икки оғизгина суҳбатлашиш улар учун орзу, тансиқ ҳол. Халқаро журналист Мэлар Струа "Ёлғизлик" бадиасида ғаройиб материалларни келтиради. Қайсидир мамлакатда бир тадбиркор якка-ёлғиз қариялар билан шартнома тузибди. Унга биноан ҳар куни уч маҳал (тонгда, пешинда, хуфтонда) ёлғиз қария уйидаги телефон "тилга кираркан". Уч бора телефондаги суҳбатдош ёлғиз қарияга бир оғизгина гап айтиб, гўшакни жойига қўяркан. Қарангки, ўша суҳбатни ҳаёт мазмуни деб биладиганлар сони йил сайин ортиб бораётганмиш. Ёлғизлик — даҳшат, оғриқсиз азоб, инсон қадри поймол қилиниши. Афсуски, модерн адабиётнинг аксарият асарларида ёлғизлар ҳаёти, қарашлари, ўйлари тасвирланади. Бу адабиёт инсон фитрати, характер ўзагини бехато тасвирлайди. Лекин алал-оқибат ёлғизлик, ўзи билан ўзи бўлиш инсон учун офатдир. Шарқ-мусулмон оламида инсон қулоғига азон айтилганидан то жаноза намози ўқилгунича инсон жамоа, маҳалла-кўй, қавм-қариндош, қўни-қўшни қуршовида бўлади. Шарқда: "Ёлғизлик Аллоҳга ярашади", деб бекорга айтилмаган. Мусулмон одам туғилганидан бошлаб одам йиғади, кишилар қалбига йўл топади. Ўлимидан кейин: "Яхши одам эди", — деган баҳони олиш учун яшайди.

Хуллас, Абдулла Қаҳҳор асарларида маҳалла аҳли, руҳ-руҳига жамоавийлик сингдирилган инсонлар образи кўплаб яратилган. Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи ҳам тириклигида одам йиққан сиймолардан эди. Ёзувчи асарлари ҳам ҳамиша одамлар эъзозида бўлишига шубҳа йўқ.

Замонавий қулайлик

Сурхондарё вилояти

# ДОВОНларни туташтирган йўл

**аҳолининг узоғини яқин қилмоқда**

***Бойсун — тоғли туман, ҳудудининг қарийб саксон фоизини тоғ ва тоғолди зоналари ташкил этади. Туманнинг Оқработдан Кўганлигача бўлган узундан-узун йўллари Чак-чак, Зоғхона, Ётиқ, Сарғиёзи, Қўрғондара, Қайроқ, Мачай довонларини кесиб ўтган.***

Ана шундай тоғ шароитида йўл қуриш ва уни таъмирлаш туман автомобил йўллари корхонаси жамоаси зиммасига катта масъулият юклайди. Корхонанинг 176 нафар муҳандис, техник ва механизаторларига малакали мутахассис Салим Равшанов раҳбарлик қилади.

Пухта билим ва бой тажрибага эга бўлган раҳбар ҳамда жамоа аъзолари йўл қурилишидаги мавжуд қийинчиликларни ҳамжиҳатликда енгиб ўтишяпти. Ҳозирда корхона ҳисобидаги йўлларнинг узунлиги 327 километрни ташкил этмоқда. Мазкур йўлларнинг бир томони Оқработдан бошланиб Кўганлигача давом этса, иккинчи томони Дарбанддан Бешэркаккача чўзилган.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида бойсунлик йўлсозлар томонидан 6 километр узунликда янги йўл қурилди. Тўда қишлоғидаги 2 километр ва Кофрун қишлоғидаги 2,5 километр масофадаги йўл таъмирланди. М—39 автомобил йўлини қайта қуриш ишларига ҳам яқиндан ёрдам берилянги. Кофрун, Хўжабулғон ҳамда шаҳар марказидаги 30 километр узунликдаги йўлларга шағал ётқизилиб, жорий таъмирдан чиқарилди.

Даханаижом қишлоғида тўла қувват билан ишлаётган иссиқ асфальт ишлаб чиқариш корхонасида мавсумда 10 минг тонна хомашё тайёрланади. Бу эса ўз навбатида йўлсозларнинг ишини янада жадаллаштирмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида корхона жамоаси томонидан ўйдим-чуқур йўлларнинг 20 километри равонлаштирилди. Ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида эскирган йўл белгиларининг 208 таси алмаштирилиб, яна қўшимча 57 та янги белгилар ўрнатилди. Бундан ташқари, 100 километр масофадаги йўлга огоҳлантирувчи тўсиқлар, 170 дона устунлар ўрнатилди. Йўлларнинг тор жойларидан 500 метри кенгайтирилди. Пиёдаларга қулайлик яратиш мақсадида 1,5 километр узунликдаги йўлакчалар ва 65 та бекатдан 7 таси таъмирдан чиқарилди.

Маҳаллий аҳолининг узоғини яқин, мушкулини осон қилиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда бош муҳандис Зайниддин Бўриев, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Зиёдулло Ғаффоров ҳамда Жума Турсунов, Ғайрат Норматов, Хидир Қаҳҳоров, Шукур Розиқов, Жаббор Рамазонов, Бурхон Холмаматов, Раҳим Хурсандов сингари автогрейдерчилар, бульдозерчилар пайвандчиларнинг меҳнати катта бўлмоқда. Айни пайтда улар Мачай ва Ётиқ довонларидаги 2 километр масофадаги қайта қурилган тоғ йўлига асфальт ётқизишяпти. Шунингдек, тумандаги 34 та кўприк ва 265 та сув қувурларини қайта таъмирлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Омон ШУКУРОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

Жиззах вилояти



**Зомин туманидаги Кудуқча маҳалласида ичимлик суви тақчиллиги муаммоси ўзига хос тарзда ҳал этилган. Сув маҳалла бўйлаб тортилган махсус қувурларда сақланади. Бу маҳалла болалари ҳарқанча ўйинқароқ бўлишмасин, сувни исроф қилмасликни яхши билишади.**

**СУРАТДА:** *маҳалла оқсоқоллари Оқмурод ота Турдиев ва Зулфиқор Ўсаровлар қудуқчалик болакайлар билан.*

**Р.ГАЛИЕВ олган сурат.**

Қорақалпоғистон Республикаси

# МАКТАБлар мавсумга шай

**энди ўқувчилар шинам хоналарда таҳсил олишади**

***Жорий йилда Қораўзак туманидаги тўртта умумтаълим мактабини реконструкция қилиш режалаштирилган эди.***

Шу йилнинг январь ойидан бошланган қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатларда давом этиб, бундан 35-37 йиллар олдин барпо этилган, ҳозирда нурай бошлаган мактаб бинолари қўлигул қурувчиларнинг меҳнати билан қисқа вақт ичида батамом янги қиёфа касб этди. Ўндан ортиқ синфхоналар, турли фанларга ихтисослашган аудиториялар бунёд этилди. Айни пайтда мазкур ўқув даргоҳлари ўқувчиларни ўз кучоғига олишга шай.

Бундай катта қўламдаги ишларни сифатли қилиб бажаришда туман бинокорларига нукуслик қурувчилар яқиндан кўмаклашишди.

**Асил БЕК,**
**"Mahalla" мухбири.**

Иш билганга балли!

Хоразм вилояти

# ТАГАНлик ТАДБИРКОР

**у ўз маҳсулоти билан жаҳон бозорига чиқмоқчи**

Янгиариқ туманидаги Таган қишлоғида истиқомат қилувчи Фарҳод Жуманиёзовнинг касби — иқтисодчи. Боғдорчиликка қизиққани боис шу соҳа билан ҳам шуғуллана бошлади. Самарқандлик таниши Аслиддиндан хаштак тайёрлаш сир-асрорларини ўргангач, унда хаштак ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш нияти пайдо бўлди.

Дарвоқе, хаштак — миллий анъаналар асосида тайёрланадиган тансиқ маҳсулот бўлиб, инсон саломатлиги учун жуда фойдали. Ибн Сино уни танага қувват бағишловчи, кўпгина дардлардан фориғ этувчи шифобахш неъмат эканини таъкидлаган.

— Хаштак тайёрлаш оддий, аммо сабр-тоқат, эътибор талаб қиладиган иш, — дейди Фарҳод Жуманиёзов. — Уни тайёрлаш учун яхши қуритилган данаксиз ўрик қоқиси ичига ёнғоқ мағзи, қора кишмиш майизи қўйилади. Меъёрида димланган, асалга ботириб қайтадан қуритилади. Тайёр хаштаклар тол новдаларидан бежирим қилиб тўқилган саватчаларга терилиб, устидан махсус целлофан билан ўралади. Маҳсулотга яроқлилик муддати, тайёрланган санаси ва жойи ҳақидаги ёрлиқ ёпиштирилади. Хаштакни бутун оила аъзоларимиз билан тайёрлаймиз, баъзан бу ишга қариндошларимиз ва қўни-қўшниларни ҳам жалб қиламиз.

Айни пайтда тадбиркор ўз фаолиятини кенгайтириш устида иш олиб боряпти. Сифатли қоқи тайёрлаш мумкин бўладиган ўрик ва қора кишмиш навларини экиб, кўпайтирмоқда. Мақсади — кичик цех очиб, халқимиз дастурхонини табиий ва шифобахш неъмат билан тўлдириш. Қолаверса, бундай маҳсулотга жаҳон бозорида ҳам талабгорлар кўплаб топилади.

**Абдулла САФОЕВ**

Олам турфа

## ФАЛОКАТнинг ОЛДИ ОЛИНАДИ

***АҚШ полицияси ёмғирли кунларда юз берадиган корҳолларнинг кўпчилигига соябон кўтарган йўловчилар сабабчи бўлишини аниқлаган.***

Чунки соябон йўловчининг олдини тўсиб қолиб, кўпинча у яқинлашиб келаётган транспортни сезмай қолади. Шунинг учун АҚШда янгича соябон ихтиро қилинди. Унинг юқори қисмига батареядан қувват оладиган лампочка ўрнатилди. Энди йўловчилар чорраҳадан ўтишаётганда шу лампочкани ёқиб қўйишса бас.

## ГИЛАМ ЧАНГЮТГИЧ

***Чехиянинг Напаедла шаҳрида оёқ кийимлардаги чангни ушлаб қоладиган гилам-поёндоз ишлаб чиқариш бошланганига ҳам анча бўлди.***

Агар шу поёндоздан юрсангиз, у полимерларнинг электростатик хоссасига кўра, оёқ кийимидаги ҳамма чангларни ютади. Бу синтетик поёндоз кирга тўлиб кетса, уни хўл латта билан артиб ташлаш кифоя қилади.

Гилам-поёндоздан касалхоналарнинг қабул марказлари ҳамда операция залларида ва электрон асбобларни йиғадиган цех ва лабораторияларда фойдаланилмоқда. Бир сўз билан айтганда, қаерда чанг бўлиши мумкин бўлса, бу янгилик ўша ерда қўл келаверади.

## ПОЛИЦИЯ УЧУН МАХСУС ҚУРОЛ

***Франция полициясига жамоат тартибини бузувчиларга қарши ишлатиш учун янги қурол тарқатилди.***

Бу қурол қўшотар милтиқ бўлиб, ундан ўқ эмас, балки юмшоқ тўпчалар (теннис шарига ўхшаш) отилади. Унинг афзаллиги шундаки, "ўқ" теккан одам ўлмайди, шунчаки «нокаут» бўлиб, худди боксчи ургандек гангиб қолади.

Сўранг, жавоб бераміз!

***Савол:***

## ЗИЁННИ КИМ ҚОПЛАЙДИ?

*Эрим маст ҳолда автомашина бошқариб, ўз айби билан йўл-транспорт ҳодисасини содир этди. Энди ўзи тўқнашиб кетган машинанинг зиён етган қисмларини тузатиб бериш учун оиламизга тегишли умумий мол-мулкни сарфламоқчи. У етказилган зиённи оиламизнинг умумий мулкидан эмас, ўзининг мулки ҳисобидан қоплаши керак эмасми?*



***Жавоб:***

## ТОВОН УМУМИЙ МОЛ-МУЛККА ҲАМ ҚАРАТИЛИШИ МУМКИН

**Эр (хотин)нинг мажбуриятлари бўйича ҳақ ундириш фақат унинг мол-мулкига қаратилиши мумкин. Ушбу мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда ҳақ ундиришни эр-хотиннинг мол-мулкига қаратиш учун кредитор эр (хотин) улушини эр-хотиннинг умумий мол-мулкидан ажратиб ундириб берилишини талаб қилишга ҳақлидир.**

**Агар суд эр (хотин)нинг мажбуриятлари бўйича орттирилган барча ашёлар оила эҳтиёжлари учун ишлатилганлигини аниқласа, эр-хотиннинг умумий мажбуриятлари бўйича, шунингдек, эр (хотин)нинг мажбуриятлари бўйича ҳақ ундириш эр-хотиннинг умумий мол-мулкига қаратилади. Бу мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда эр-хотин кўрсатиб ўтилган мажбуриятлари юзасидан уларнинг ҳар бирига қарашли мол-мулк билан шерик жавобгар бўладилар.**

**Агар эр-хотиннинг умумий мол-мулки уларнинг бири томонидан жиноий йўл билан топилган маблағ ҳисобига орттирилгани ёки кўпайгани суд ҳукми билан аниқланган бўлса, ҳақни ундириш тегишли равишда эр-хотиннинг умумий мол-мулкига ёки унинг бир қисмига қаратилиши мумкин...**

*Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 34-моддасидан.*

Эй сиз одамлар, эссиз одамлар

# ЙЎЛАТЎСАРнинг ЙЎЛИ ТЎСИЛАДИ...

**Орамизда бел оғритмай бой бўлишни орзу қиладиган, нафси йўлида ўзганинг ҳақидан ҳазар қилмай, бировнинг пешона тери билан топганига кўз олайтирувчилар ҳам, афсуски, учраб туради.**

Жасур айни кучга тўлган, тоғни урса талқон қиладиган ёшда. Ишлай деса, қора меҳнатга бўй бермайди, қўлида на ҳунари, на бирор касби бор. Катта шаҳарда пул топиш осон бўлса керак, деб ўйлаган йигит пойтахт сари йўл олди. Шимолий темирйўл вокзалида йўловчиларнинг юкларини ташиб, таксига кузатиб уч-тўрт сўм топа бошлади. Бу йўл билан бирданига кўп пул топиб бўлмаслиги аён бўлгач, "касби"ни ўзгартириш фикрига тушди. Ўйлай-ўйлай бир қарорга келди. Аммо режасини амалга ошириш учун унга шерик керак. Вояга етмаган амакиваччаси Ойбекдан яхши ва ишончли ҳамкор чиқиши мумкин. Жасур қариндошига режасини айтди:

— Сенинг вазифанг поезддан тушган йўловчиларни ва улар қайси таксига ўтиришганини кузатиб, маълумотларни етказиш бўлади. Диққатингни Россиядан ишлаб қайтаётганларга қаратасан, чунки уларда пул бўлади. Қолганини ўзим эплайман. Катта шаҳарда бизни ким танирди?! Қолаверса, ўлжамиз вилоятлик йўловчилар бўлади, кетимиздан чопиб юришга уларнинг вақтлари ҳам, тоқатлари ҳам йўқ.

Режаларининг "пишиқ-пухта"лигидан руҳланган шоввозлар вокзалга келишди. Дарҳол ишга киришиб кетган Ойбек ҳаш-паш дегунча тўрт йигит билан бирга чиқди. Йўловчилар Фарғонага етиб олиш учун "Нексия" автомашинасига ўтиришди. Юкларни жойлаб, машинани ўт олдирган ҳайдовчи бошқа киракашлар билан бироз суҳбатлашиб қолди. Эшик очиқ қолганидан унумли фойдаланган Жасур чаққонлик билан ҳайдовчи ўриндиғига ўтирди, машинанинг эшик ва ойналарини қулфлаб, йўловчиларга пўписа қила бошлади:

— Агар ўзларингга проблема орттиришни хоҳламасаларинг, ёнингда борини чиқарасанлар. Биз етмиш кишимиз. Бу ердан омон кетолмайсанлар!

Унинг пўписасидан саросимага тушган йўловчилар бор пулларини талончига қўшқўллаб тутқазишди. Автомашинаси ёнига қайтган ҳайдовчи ўрнидаги бегона йигитни кўриб, даставвал ҳайрон бўлди; кейин эшикни очишни талаб қилиб, ойнани тақиллата бошлади. Шовқин-сурон шу атрофда хизмат вазифасини ўтаб юрган ички ишлар ходимларининг эътиборини тортди, зўравон ушланди.

Муқаддам икки марта суднинг қора курсисига ўтирганию панжара ортида ўтказилган ҳаёт Нодир исмли шахснинг ҳам кўзини очмаган экан. У ўзининг қора ниятларини амалга ошириш учун Жасур сингари режа тузди, уни амалга ошириш учун айнан темирйўл вокзалини танлади. Вокзалнинг "Фарғона—Тошкент" йўналиши бўйича қатнайдиган таксилар тўхташ жойига бориб, келиб-кетувчиларни зимдан кузата бошлади. Каттакатта сумкалар билан "Нексия" автомашинасига ўтирган йўловчилар унинг эътиборини тортди. Машина жойидан қўзғалмоқчи бўлганда чаққонлик билан олд ўриндиқда ўтирган йўловчининг ёнига суқулиб олди ва ҳайдовчига:

— 200 метр юриб тўхтайсан. Йўловчиларда гапим бор, — деди. Гап нимадалигини тушунмаган ҳайдовчи у айтгандек тўхтади.

— Биламан, ҳамманг Россиядан пул ишлаб қайтяпсанлар. Менга 1000 рублдан бермасаларинг, ўзларингга ёмон бўлади. Шерикларим кутиб туришибди.

— Бизда сиз айтган пул йўқ. Поезд билетига ҳам зўрға пул топиб, қайтиб келяпмиз, ака, — дейишди йўловчилар.

— У ҳолда ҳар бирнинг 25 минг сўмдан берасанлар.

Йўловчиларда чиндан ҳам пул йўқлигини билгач, Нодиржон ҳайдовчига дўқ ура бошлади:

— Ҳозир менга 50 минг сўм тўлайсан. Булар уйга боргач, сен билан ҳисоб-китоб қилишади...

Ҳайдовчи унга хоҳлаганини қилиши мумкинлигини, ёнида бунча миқдорда пул йўқлигини айтди. Ҳар нима қилса ҳам ниятини амалга оширолмаётган эўравон орқа ўриндиқда ўтирган Абдусаттор исмли йўловчини машинадан тушишга мажбур қилди ва ёнидаги 18600 сўм пулини тортиб олди. Навбат бошқаларга келганда хавфсизликни сақлаш учун айланиб юрган ички ишлар ходимлари машинаси кўринди. Шунда Нодир жуфтакни ростлаб қолмоқчи бўлди. Абдусаттордан олган пул далилий ашё сифатида ўзига қарши ишлатилиши мумкинлигини билиб, пулни шу ердаги гаражларнинг орқасига улоқтириб юборди ва сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлди. Бироқ унинг айёрлиги иш бермади.

Юқоридаги ҳар икки ҳолатда ҳам товламачилик, яъни жабрланувчига зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб, мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш жинояти содир этилган деб топилди ва айбдорларга тегишли жазо тайинланди.

Қозон қораси кетар, юз қораси кетмас, дейди доно халқимиз. Жасур, Ойбек ва Нодир билакларидаги кучни ҳалол меҳнатга эмас, зўравонликка ишлатиб, эл олдида уятга қолдилар.

**Шаҳноза ЭРГАШЕВА**

Донолар бисотидан

## БАХТ ҲАҚИДА

**Бахт яхши кайфият, фаровонлик, уйғунлик, мутаносиблик ва вазминликдир.**

*ДЕМОКРИТ*

**Навқиронларни эмас, балки ҳаётини яхши яшаб ўтган кекса одамларни бахтли санамоқ лозим.**

*ЭПИКУР*

**Шуни ёдда тутгилки, агар инсон бахтсиз экан, бунга унинг ўзи сабабчи. Чунки Худо барча одамларни бахт учун яратган.**

*ЭПИКТЕТ*

**Бахтдан лаззатланиш — буюк саодат. Бахтни ўзгаларга туҳфа этиш эса ундан ҳам буюкроқ эзгуликдир.**

*ФРЭНСИС БЭКОН*

**Бахт ва бахтсизлик бир-бири билан зулмат ва ёруғлик каби муносабатда бўлмайди. Зеро, бахт ва бахтсизлик бир вақтнинг ўзида бирга мавжуд бўла олади.**

*ДИДРО*

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдидан

# ЖОМИЙ дасҳатида битилган «РИСОЛАИ КАБИР»

**Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг асосий кутубхонасида 15 мингдан ортиқ шу каби ноёб қўлёзмалар тўпламлари жамланган**

Ушбу кутубхона юртимиздаги йирик маърифат масканларидан бири бўлиб, 1933 йилда ташкил этилган. Бугунги кунда унинг фондида 2 миллион 800 мингдан зиёд ўқув қўлланмалари, дарсликлар, адабий ва тарихий китоблар жамланган. Улардан қарийб 15 мингини Шарқ қўлёзмалари тўпламлари ташкил этади.

Китоб фонди ҳар йили янги адабиётлар билан тўлдириб борилади. Кутубхонанинг марказий ўқув зали 150 кишига мўлжалланган. Бундан ташқари, талабалар ётоқхонаси ва ҳар бир факультетда ҳам ўқув заллари бўлиб, 13 мингдан ортиқ китобхонга кутубхонанинг 90 га яқин малакали ходимлари хизмат кўрсатмоқда.

— Ўқув залларида талабалар учун барча қулайликлар яратиб берилган. Вилоятдаги 15 та оммавий кутубхона университетимиз тасарруфига ўтказилиб, Абдураҳмон Жомий номли илмий ахборот ресурс марказини ташкил этилган. Бу эса ҳар бир китобхон учун қулайлик туғдиради, — дейди университет кутубхонаси директори, профессор Исмоил Исроилов.

Кутубхонанинг Шарқ қўлёзмалари бўлимидаги нодир қўлёзмалар ва ноёб китоблар сақланадиган хонада бизни қаршилаган бўлим мудири, таржимон Шуҳрат Аминов шундай дейди:

— Кутубхона ташкил топган дастлабки вақтда бисотимиз бор-йўғи олти юзга яқин китобдан иборат эди, холос. Ҳозир уларнинг сони ўн олти мингтага яқинлашиб қолди. Қўлёзмаларни махсус жавонларда жуда эҳтиёткорлик билан сақлаймиз. Мана бу — Ҳазрати Жомийнинг "Рисолаи Кабир" номли асари. Бу асар бундан 584 йил илгари битилган. Унинг ноёблиги шундаки, асарни Жомий ўз қўли билан ёзган...

Бўлимда Шарқ мутафаккирларидан Саъдий, Фирдавсий, Низомий, Абу Али ибн Сино, Рудакий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий, Бобур, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Ҳамза ва бошқаларнинг нодир китоблари ёзилиш даври, услуби ва безалишига қараб жойланган.

Кутубхонада XI асрдан тортиб XX аср бошларига оид қўлёзмалар, шунингдек, XVIII-XX асрларда турли мамлакатларда, турли йиллар ва тилларда нашр этилган тошбосма китоблар ҳам мавжуд. Бу ерда Фаридиддин Муҳаммад бинни Иброҳим Аттор Нишопурийнинг кўпгина қўлёзма асарлари ҳам жуда эҳтиёткорлик билан сақланмоқда. Жумладан, улуғ шайхнинг ҳижрий 685 (милодий 1286) йилда ёзилган "Тазкират ул-авлиё" номли машҳур асари мазкур хазинадан жой олган. Унда тасаввуф намояндаларининг 72 нафари тўғрисида ишончли маълумотлар бор. Асарнинг 1301 йилда кўчирилган нусхаси Тошкентда, 1311 йилда кўчирилган нусхаси эса Германиянинг Берлин шаҳрида сақланмоқда. XIII асрда яшаган олим Ризоиддин Абдул Фозил ал-Ҳусайн бинни Муҳаммад бинни ал-Ҳасан ал-Сағонийнинг хаттот Ибн Муси ал-Шокони томонидан ҳижрий 706 йилда кўчирилган "Такмил-атул ал-Саҳо ал-Жавҳарий" (ал-Жавҳарийнинг ал-Саҳосига қўшимча) номли асари, XIII-XIV асрларга оид Жалолиддин Муҳаммад бинни Абдураҳмон Казвинийнинг "Муфтахул улум", Абдул Қосим Маҳмуд ибн Усмон Замахшарийнинг "Тафсири Қуръон", "Муқаддимат ул-адаб", Исҳоқ бинни Иброҳим Нишопурийнинг "Қисса ул-Анбиё" асарлари ҳам кутубхонада сақланмоқда.

Исмоил Ҳасан бин Аҳмад бинни Муҳаммад Ҳусайний ал-Журжонийнинг тиббиётга оид "Захираи Хоразмшоҳий" асари ўта ноёб, қимматли қомусдир. Араб алифбосида, форс-тожик тилида ёзилган ушбу китобда турли касалликларни аниқлаш йўллари ва усуллари, малҳамлар тайёрлаш ва уларнинг таркиби, фойдаланиш қоидалари, жарроҳлик масалалари кенг ва тушунарли тарзда ёритилган. Шарофиддин Али Яздий томонидан 1437 йилда ёзилган "Зафарнома" асари ҳам киши эътиборини ўзига жалб этмай қолмайди. Китоб жавонларида 1830 йилда Тоҳир ибн Қози Абу Саид Хўжа Самарқандий томонидан форс тилида ёзилган Самарқандниг бунёд этилиш тарихи, шаҳарнинг "Самарқанд" деб аталиши сабаблари, жуғрофий ҳолати ва XIX асрнинг учинчи чорагига қадар сақланиб қолган осори-атиқалар, шунингдек, масжид ва мадрасалар, қўшклар ва мозорлар тўғрисида маълумотлар берувчи "Самарийа" асари ҳам мавжуд.

Нодир қўлёзмалар бўлимида сақланаётган шеърий арифметика жамланмаси муаллифи математик, шоир, тилшунос, XIX асрда яшаган самарқандлик суд бошқарувчиси Бобоёр Мирзақуловдир. У геометрияни ўзбек тилига таржима қилди, математик графика ҳақида тушунча берди, рақамлар туркумини 46 математик белгига ажратди. Муаллиф қадимий ўзбек қабилаларининг 92 номини биринчи бўлиб ҳисоблаб чиқди.

Кутубхонанинг таассуротлар дафтарини очар эканмиз, Туркиянинг Анқара университетидан, Қирғизистон ва Тожикистондан келган олимлар ёзиб қолдирган қайдлар диққатимизни тортди: "Самарқанд Давлат университетининг кутубхонаси ўзида жамланган қўлёзмалар бўйича энг бой кутубхонадир. Биз бу ердаги ноёб китоблардан мамнуният билан фойдаландик ва Шарқ қўлёзмаларининг фонди ҳақида қалбимизда яхши таассуротлар олиб кетяпмиз".

**Рашид БОЙТИЛЛАЕВ**

## МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

**ҚЎЙ (21.03-21.04)**

Шу кунларда фарзандларингиз тарбиясига кўпроқ вақт ажратинг. Топган маблағингизни ўринсиз чиқим қилишдан сақлганингиз маъқул.

**СИГИР(22.04-20.05)**

Амалга оширмоқчи бўлган ишларингизни олдиндан режалаштириб олинг. Шу кунларда кайфиятингиз анча кўтаринки бўлиши кутилмоқда.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)**

Кўзлаган мақсадингизга эришиш учун астойдил ҳаракат қилишингизга тўғри келади. Дам олиш кунлари табиат қўйнида ҳордиқ чиқаринг.

**КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)**

Яқин кунларда моддий аҳволингизни яхшилаб олиш учун қулай имконият туғилади. Ҳамкорлар билан муносабатда самимий бўлишга интилинг.

**АРСЛОН (23.07-22.08)**

Мазкур бурж вакиллари айни кунларда ишда ташаббускорроқ бўлишлари лозим. Жума куни муҳим хабар эшитишингиз мумкин.

**ПАРИЗОД(23.08-22.09)**

Айни кунларда режалаштираётган сафарингизни бироз кейинроққа қолдирганингиз маъқул. Чунки ечимини кутаётган ундан-да муҳим масалалар бор.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10)**

Орзу-истакларингизни рўёбга чиқариш учун кўп ва хўп меҳнат қилишингизга тўғри келади. Бунда айниқса, ўз имкониятларингизга таяниб иш тутинг.

**ЧАЁН (23.10-22.11)**

Шу кунларда иқтисодий масалалар муҳокамаси билан шуғулланганингиз маъқул. Янги шартнома тузишдан аввал шартлар билан яқиндан танишинг.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12)**

Мазкур бурж вакиллари шу кунларда ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни тезроқ ҳал қилиб олганлари маъқул.

**ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)**

Анчадан буён ҳаммадан сир сақлаган нарсангиз шу кунларда ошкор бўлиши мумкин. Шу боис атрофдагилар билан муносабатда эҳтиёткор бўлинг.

**КОВҒА (20.01-18.02)**

Шахсий ҳаётингиздаги ўзгаришлар сизнинг руҳиятингизга ижобий таъсир қилади. Шанба куни харид билан шуғулланасангиз бўлади.

**БАЛИҚ (19.02-20.03)**

Рўзғор ташвишлари шу кунларда сизни анча толиқтириб қўйиши мумкин. Бу каби турмуш муаммоларининг соғлиғингизга путур етказишига йўл қўйманг.

Топонимлар тарихини биласизми?

## ЮНУСХЎЖАнинг КАРВОНСАРОЙИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод даҳаси ўзининг кўп йиллик тарихига эга. У аслида "Юнусработ" деб юритилган, Халқ орасида "Юнсават" деб ҳам талаффуз қилинган.

Бу ном учта, яъни "Юнус" (шахс номи), "ра" (форс-тожикча "рох", яъни "йўл") ва суғдийча "вот" ёки "бот" (яъни "қўноқ") сўзларининг бирикмасидан ҳосил бўлган. Демак, маҳалланинг номи Юнус исмли шахснинг йўл устидаги қўноғи ёки карвонсаройи деган маънони англатган.

Илгари бу маҳалла Тошкент шаҳрининг ташқарисида — Лабзак, Тахтапул ва Қорасарой каби дарвозалардан Дашти Қипчоқ ва Еттисувга томон йўналган қадимги карвон йўли устида жойлашган эди. Шубҳасиз, шимолий юртлардан қайтаётган савдогарлару сайёҳлар кеч кириб, шаҳарга етиб кела олмасалар, Юнусободда тунаб қолганлар.

XVI-XVIII асрларда Тошкентнинг Дашти Қипчоқ, Еттисув ва Ғарбий Шивир (Сибир) аҳолиси билан савдо-сотиқ алоқалари жонланиб кетади. Шу даврларда Тошкентнинг шимолий остонасида жойлашган Оқтепа-Юнусобод мавзеси шаҳар сарбозларининг қўноқли тошҳовлиси сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Юнусобод мавзеси номининг қарор топиши мустақил Тошкент хонлигининг асосчиси Юнусхўжанинг исми-шарифи билан боғлиқдир. Кейинчалик Тошкент шаҳрининг кенгайиши натижасида Юнусобод шаҳарга туташиб кетиб, унинг йирик маҳаллаларидан бирига, бора-бора алоҳида туманга айланди.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлади.**

Спорт

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ЧЕМПИОН!

***Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида ташкил этилган профессионал бокс кечасида қитъалараро чемпионлик ва рейтинг жанглари ўтказилди. Унда ҳамюртларимиздан ташқари, Россия, Қирғизистон, Кения ва Грузиядан келган чарм қўлқоп усталари рингга чиқди.***

*Ҳамюртимиз Қувончбек Тойғонбоев WBO йўналишидаги "Asia Pacific" қитъалараро чемпионлик камарини учинчи маротаба муносиб ҳимоя қилди.*

Мусобақанинг энг асосий жангларидан бирида тажрибали профессионал боксчимиз Қувончбек Тойғонбоев Жаҳон бокс ташкилотининг /WBO/ "Asia Pacific" қитъалараро чемпионлик камарини ҳимоя қилди. Бу гал ҳамюртимизнинг ушбу унвонига грузиялик Звиади Пуртсхванидзе даъвогарлик қилди.

Ҳар томонлама бир-бирига муносиб боксчилар ўртасидаги ўн икки раундлик беллашув кескин ва муросасиз ўтди. Унда рақибига нисбатан тезкор ҳаракат қилган Қувончбек Тойғонбоев кучли ва аниқ зарбалар беришга муваффақ бўлди. Беллашувда уч нафар ҳакам бир хил – 120:108 ҳисобида ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси ғалаба қозонганини эълон қилди.

Қувончбек Тойғонбоев WBO йўналишидаги "Asia Pacific" қитъалараро чемпионлик камарини ўтган йилнинг 3 декабрида қўлга киритган. Ҳамюртимиз ўтган даврда россиялик Аҳмад Олигов ва танзаниялик Ҳассан Матумлага қарши ўтказилган жангларда унвонини муносиб ҳимоя қилган эди.

Ҳозирча, профессионал рингда ўттиз учта жанг ўтказиб, шулардан йигирма тўққизтасида зафар қучган ҳамюртимиз жаҳон бокс ташкилоти рейтингида олтинчи ўринда қайд этилган. Бу эса Қувончбекка яна бир неча муваффақиятли жанглардан сўнг жаҳон чемпионлиги учун рингга чиқиш имконини беради.

Профессионал бокс кечасининг яна бир чемпионлик жанги ҳамюртимиз Алишер Раҳимов ҳамда кениялик Геоффрей Муника ўртасида бўлди. Бу жангнинг совринига Жаҳон бокс ташкилотининг /WBO/ "Asia Pacific" қитъалараро чемпионлик камари қўйилди.

Мазкур беллашув ҳам ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси устунлигида ўтди. Гарчи кениялик боксчи ҳамюртимизга нисбатан профессионал рингда кўпроқ жанг ўтказиб, катта тажриба тўплаган бўлса-да, у Бекободдаги баҳсда Алишерга етарлича қаршилик кўрсатолмади. Бутун учрашув давомида чаққон ҳаракатлари билан рақибига кўплаб кучли зарбалар йўллаган ўзбекистонлик боксчи ўн икки раундлик жангни ўз фойдасига ҳал қилди ва WBO йўналишининг "Asia Pacific" қитъалараро чемпионлик камарини қўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, профессионал боксчилик фаолиятини 2004 йили бошлаган Алишер Раҳимов 15 жангнинг барчасида зафар қучган ва етти маротаба рақибларини нокаутга учратган. 29 ёшли боксчимиз "Asia Pacific" қитъалараро чемпионлик камаридан ташқари ўз вазн тоифасида Глобал бокс уюшмаси /GBU/ йўналиши бўйича жаҳон чемпиони унвони соҳиби ҳисобланади.

Профессионал бокс кечасининг энг қизиқарли рейтинг жангларидан бири енгилмас боксчи – ўзбекистонлик Шерзод Ҳусанов ҳамда россиялик Александр Валиахмедов ўртасида ўтказилди. Саккиз раундга мўлжалланган беллашувда Шерзод Ҳусанов жангга пухта тайёргарлик кўрганини исботлади. У профессионал рингда атиги бешинчи жангини ўтказаётган бўлса-да, анча ишончли ҳаракат қилди. Дастлабки раундларда рақибининг имкониятини билиб олган ҳамюртимиз тўртинчи раундда кучли зарба бериб, Александр Валиахмедовни нокаутга учратди. Бу россиялик боксчининг фаолиятидаги биринчи мағлубияти бўлди.

Олти раундлик рейтинг жангида қатнашган яна бир ҳамюртимиз Абдулазиз Матазимов профессионал рингдаги кетма-кет тўртинчи ғалабасини нишонлади. Бу гал 20 ёшли умидли боксчимиз Россиядан келган Кирилл Артёмовни бешинчи раундда нокаутга учратди.

Профессионал боксда тўртинчи жангини ўтказган юртдошимиз Иқбол Қурбонов олти раундлик жангда йигирманчи марта рингга кўтарилган тажрибали россиялик боксчи Евгений Пешехановни енгиб, кетма-кет учинчи ғалабасини қўлга киритди.

Бекободдаги профессионал бокс кечасида рингга чиққан ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари орасида фақат Фарҳод Ориповга ғалаба нашидасини суриш насиб этмади. Профессионал боксчилик фаолиятини яқинда бошлаган ҳамюртимиз қирғизистонлик боксчи Жаҳонгир Абдуллаевга қарши рингга чиқиб, очколар ҳисобида ютқазди. Қирғизистонлик боксчи кетма-кет ўн олтинчи ғалабасини нишонлади.

Яна бир рейтинг жангида грузиялик Рудолф Абрамян қирғизистонлик Сергак Қозоқбоевга қарши ўтказилган баҳсда рақибини иккинчи раундда нокаутга учратди. Эътиборлиси шундаки, грузиялик 21 ёшли чарм қўлқоп устаси профессионал рингда тўққиз маротаба жанг ўтказиб, шуларнинг барчасини муддатидан олдин ўз фойдасига ҳал қилган.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# НАФОСАТ НАМОЙИШИ

***Турфа рангда, турфа шаклда очилиб, ён-атрофга хуш бўй таратаётган гуллар ифоридан қалби жунбушга келмайдиган инсонлар орамизда кам учраса керак. Тўғри-да, гул — гўзаллик, нафосат тимсоли. Инсон эса ҳамиша гўзалликка ошуфта, нафосатга шайдо. Шу боис, ошиқ йигит маъшуқасига муҳаббати рамзи, садоқати ифодаси ўлароқ, гул туҳфа этади, хонадони саришта, гўзал, ҳавоси хушбуй бўлишини истаганлар ҳовлисидаги кафтдеккина ерга ҳам гул экади, гул ўстиради.***

Наманган вилояти

Бундай хайрли анъана айниқса, наманганликларга хос. Зеро, Наманганнинг «Гуллар шаҳри» дея эътироф этилишининг боиси ҳам шунда. Қолаверса, бу ернинг меҳнатсевар, нафосатга ошуфта одамлари ўз хонадони, қишлоғу маҳалласини турфа хил гулларга буркаш билан бирга ўзлари етиштирган табиатнинг ана шу ажойиб неъматини кўз-кўз қилишга ҳам одатланганлар. Ҳар йили Наманган шаҳрида ўтказиладиган анъанавий «Гуллар байрами» сўзимизга исбот.

Яқинда шаҳардаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган «Гуллар байрами» тадбирида ҳам вилоят аҳли томонидан етиштирилган турфа хил гуллар намойиш этилди.

**СУРАТЛАРДА:** *байрам тадбиридан лавҳалар.*

**Х.МУҲАММАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

Қоса тагида нимкоса

# "МАГНИТОФОНингиз ОШҚОЗОНИМНИ ОҒРИТДИ-КУ!"

**(Ҳажвия)**

***Қўшнимиз Қутбиддиннинг магнитофони столдан тушиб синди. Сўнг уникига нозирлар воқеа сабабларини ўрганиш мақсадида бир-икки бор келиб кетишди. Аввалига "Шунга шунчами?!" деб, пешонамни тириштириб қўйган эдим, Қутбиддиннинг дили оғригандай бўлди. Унинг айтишича, бу синган магнитофонларнинг 99-си эмиш. Ҳатто бу воқеалар юзасидан тергов ишлари ҳам бошланиб кетибди. Энг қизиғи, ушбу магнитофонларнинг синишида фақат бир кишининг қўли бор эмиш. Ҳозирда у шахс қидирувда экан...***

Ресторанимиз хўжайинининг қўлида хат кўрганим эсимга тушиб қолди. Тушунишим бўйича, у хўрандаларимизнинг биридан келган шикоят хати эди: "Магнитофонингиз ошқозонимни оғритди. Мана, бир ҳафтадан бери даволанишдаман. Сиздан ўша дахмазангизни тезда йўқ қилишингизни ва соғлигимни тиклаш учун сарфлаган харажатларимни қоплашингизни сўрайман! Йўқса, жиноятга қўл уришимга тўғри келади... Ш.Бойболтаев".

Нима бўлганда ҳам, Бойболтаев ўта аҳмоқ экани аниқ. Тўғри-да, у магнитофонни емаган бўлса, қандай қилиб ошқозонини оғритади! Аммо унинг "жиноятга қўл уришимга тўғри келади" дегани шубҳага солиб қўйди. Ҳозир Қутбиддиннинг гапларини эшитиб, буларнинг ҳаммаси Бойболтаевнинг иши эмасмикан, дея ўйланиб қолдим.

Чўнтак телефонимга кимдир қўнғироқ қиляпти:

— Алло! Хўжайин, яхшимисиз?.. Ҳа... Нима?.. Хўп... Ҳозир бораман...

Вой ярамас-ей! Қўшни ресторанларга ҳам Бойболтаевдан хат келган экан, улар талабни бажармагани учун магнитофонини синдириб кетибди.

Хавфли жиноятчининг изидан тушгандек, зудлик билан хўжайинга учрашдим. Унинг қўлида Бойболтаевдан келган яна бир мактуб бор эди. Энди у ўз фикрларини ойдинроқ баён қилибди. Ёзилишича, у қайсидир ривожланган давлатда ошқозон касалликлари бўйича илмий иш ёқлаб қайтганмиш. Бизнинг магнитофонимиздан таралаётган куйлар инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатар экан. Хулоса шуки, биз яхшиликча магнитофонимизни йўқ қилишимиз керак.

Олдинги хатида ўзини бемор сифатида таништирган шахс бу сафар тиббиёт ходими...

Чил-чил бўлган магнитофонларнинг юзинчиси ресторанимизнинг тўрида жаранглаб қўшиқ айтиб турган "дахмаза" бўлиши мумкин. Чунки биз Бойболтаевнинг хати юзасидан ҳеч бир чора кўрмадик. Лекин мен магнитофонга кўрикчилик қилиб турадиган бўлдим.

Тушдан ўтиб, қора кўзойнак таққан бир кекса киши қўлимга елимлаб ёпиштирилган икки буклам қоғозни тутқазиб кетди. Хатни очиб, "Ш.Бойболтаев" деган имзони ўқигунимча қария қаерга даф бўлганини билмай қолдим. Бироқ энди мен ҳамма сирларни билар эдим...

— Эътибор берган бўлсангиз, — дея гап бошладим хўжайиннинг хонасига кириб. Бойболтаевнинг гапларини ҳам ўзим ўйлаб топгандек гапираётган эдим, — бизнинг магнитофонимиздан фақат шўх куй-қўшиқлар таралади. Бу мусиқалар оҳангига беихтиёр мослашган хўрандалар таомни шошиб тановвул қилишади. Қарабсизки, шошилиб, яхши чайналмасдан ютилган таом ошқозонни чатоқ қилади. Келинг, яхшиси, — шундай деб, вазиятни енгил ҳал қилмоқчи бўлдим. Аслида Бойболтаевнинг пўписасидан қўрққан эдим, — мусиқаларимизнинг йўналишини ўзгартирайлик...

Хўжайин "Ўзингмисан?" дегандай қараб қўйди. Бу қарашдан сўнг яна уч кун магнитофонга кўрикчилик қилиб, унинг олдида овқатландим. Тўртинчи куни иштаҳам йўқолиб ошқозонимда оғриқ турди.

— Бойболтаевни ўта ақлли одам деб ўйловдим... — хўжайин хонасига кираётганда узоқдан гап қистириб қолдим. Лекин у сўзларимни охиригача эшитиб ўтирмади.

Охири ўйлай-ўйлай ҳафсала билан хат ёздим. Мактубимнинг охирида шундай сўзлар бор эди: "... Синган магнитофонларнинг юзинчиси сизники бўлди. Ш.Бойболтаев II.

Дарвоқе, касалхона томонга йўлингиз тушса, мени ҳам бир кўриб кетинг, хўжайин".

**Ҳамзам ХАЁЛ**

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 22 август
34 (584)

10755 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-720 1 2 3 4 5 6 Топширилди — 22.30